

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМЕРБЕКОВА БАРНОХОН МАРАТОВНА

**ИНФОРМАЦИОН – БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИДАГИ ЎЛЧАШ
АХБОРОТЛАРИНИ ИШОНЧЛИЛАШТИРИШ**

05.03.01–Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
Technical Sciences**

Темербекова Барнохон Маратовна
Информацион-бошқарув тизимларидаги ўлчаш ахборотларини
ишончлилаштириш.....2

Темербекова Барнохон Маратовна
Достоверизация измерительной информации в информационно управляющих
системах21

Temerbekova Barnokhon Maratovna
Restoration of measurement information in information management systems
.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works42

2

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ТЕМЕРБЕКОВА БАРНОХОН МАРАТОВНА

**ИНФОРМАЦИОН – БОШҚАРУВ ТИЗИМЛАРИДАГИ ЎЛЧАШ
АХБОРОТЛАРИНИ ИШОНЧЛИЛАШТИРИШ**

05.03.01–Асбоблар. Ўлчаш ва назорат қилиш усуллари (тармоқлар бўйича)

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)

ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент– 2017

3

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/T10 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида www.ziyounet.uz жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Гулямов Шухрат Манапович

техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Игамбердиев Хусан Закирович

техника фанлари доктори, профессор

Мухамедханов Улугбек Тургудович

техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: «Химавтоматика» АЖ

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «20» июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).

Диссертацияси билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент, Университет кўч., 2. Тел.: (99871) 246-03-41).

Диссертация автореферати 2017 йил «08 _» июль _куни тарқатилди.

(2017 йил «01» июль даги _1- рақамли реестр баённомаси)

Н.Р. Юсупбеков,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
ЎзР ФА академиги, т.ф.д., профессор

Ш.А. Тураев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби,
т.ф.н., доцент

М.М.Мухитдинов, Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги

илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ишлаб чиқариш саноати фаолияти ва технологик жараёнларни назорат қилиш ҳамда бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари, дунё миқёсидаги мураккаблик, физик-кимёвий ўзгаришларнинг юз бериш тезлигининг юқорилиги ўлчаш ахборотларининг ишончлилигини таъминлашни талаб этади. Технологик бирламчи ўлчаш ахборотлари, статистик маълумотлар, экспертларнинг тўпланган тажрибаларидан иборат бўлган ахборот оқимлари мураккаб динамик объектларнинг тўхтовсиз ва тўғри ишлашини таъминлаш мақсадида уларнинг ҳолатларини назорат қилиш ва бошқариш жараёнлари самарадорлигини белгилаб бериш ва инфор­мацион-бошқарув тизимларида ахборотларни ишончли, аниқ ва тўлиқлилигини таъминлаш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республика­миз мустақилликка эришганидан буён технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришнинг юқори самарадорликка эга бўлган бошқариш тизимларини яратишда ахборотлар ишончлилигининг миқдорий баҳоси ва доимий назорати, ахборот бошқарув тизими функционал турғунлигининг асосий кўрсаткичлари сифатида йўналтирилган меъёрий техник ҳужжатларда мувофиқ тадбирларни самарали ташкил қилиш юзасидан кенг, муайян натижаларга эришилди. Бу борада, жумладан ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларидаги объектларда инфор­мацион-бошқарув тизимида ўлчаш ахборотларини ишончлилигини таъминлаш, бошқариш

жараёнларини интеллектуаллаш ва жараёнларни бошқаришнинг интеллектуаллаш воситаларини алоҳида таъкидлаш мумкин.

Жаҳонда ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнларида ахборотлар ишончилигининг талаб этиладиган даражасини таъминлашнинг мураккаб илмий-техник муаммоси, нотўғри маълумотлар билан курашишнинг муҳандислик усуллари ишлаб чиқиш, информацион-бошқарув тизимида ўлчаш ахборотини ишончилигини таъминлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада ўлчаш ахборотлари ишончилигини таъминлашнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва кейинги ривожланиш тенденциясини аниқлаш ҳамда, ўлчаш ахборотлари назарияси ва амалиётини такомиллаштириш, ахборот-бошқарув тизимидаги ўлчаш ва ишлаб чиқариш технологик ахборотлари ишончилигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, ортиқчалилик асосида маълумотларни узатиш аниқлигини назорат қилиш, ахборот бошқарув тизимидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобининг тўғрилигини таъминлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш кабилар долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 27 июндаги ПҚ 989-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари ҳақида» ва 2010 йил 15 декабрь ПҚ-1442 сон «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори

5

ҳамда мазкур фаолиятга тегишли барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсидаги тадқиқотлар натижасида ўлчаш ахборотларининг тўғрилигини таъминлаш назарияси ва амалиётининг ривожланишига Ch.W.Bachman, W.W.Peterson, D.Ritchi (АҚШ), E.F. Codd, C.J.Date, Alan Turing (Буюк Британия), E.N.Gilbert, (Олмония), R.C.Bose, Danish Jamil, (Ҳиндистон), Peter Pin-Shan Chen (Хитой), Чжо Зо Е, Д.А.Полянский, С.И.Самойленко, А.И.Репин, А.Н.Савельев, В.Р.Сабанин, В.С.Бурцев, В.А.Котельников, Ю.В. Гуляев, (Россия) каби хорижий олимлар улкан ҳисса қўшишган.

Ахборотларнинг тўғрилаштириш назариясига мамлакатимизнинг Д.А.Абдуллаев, Ф.Т.Адилова, Ф.Т.Адилов, Р.К.Азимов, А.Р.Ахатов, Б.М.Ахмедов, Т.Ф.Бекмуратов, Ш.М.Гулямов, Х.З.Игамбердиев, П.Р.Исматуллаев, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, У.Т.Мухамедханов, М.М.Мухитдинов, Т.Д.Ражабов, Ю.Г.Шипулин, И.И.Жуманов, О.Ш.Хакимов,

Н.Р.Юсупбеков ва бошқа олимлари улкан ҳиссаларини қўшишган.

Информацион-бошқарув тизимларидаги ўлчаш ахборотларининг ишончлилигини назорат қилиш ва баҳолаш соҳасида Н.Н.Макаров (рухсат этилганназорат), В.М.Разумний (автоматик назорат), С.Б.Данилович (кўп параметрли назорат) ларнинг ишлари машхур. Носозликлар, қисман ёки тўла бузилишларни аниқлаш ҳамда тимсолларни танишнинг тўғрилиги масалалари Бахметова Н.А., Биргер И.А., Дианов В.Н., Горелик А.Л., Скрипкин В.А., Меликова О.Н.ларнинг ишларида кўриб чиқилган. Ушбу диссертация иши ана шундай аҳамиятли масаланинг ечимларига бағишланган бўлиб, унда информацион-бошқарув тизимларининг турли поғоналаридаги бирламчи ўлчаш ва иккиламчи ишлаб чиқариш технологик ахборотлари ишончлилигини таъминлашнинг илмий-услубий асослари, усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилинган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-080 – «Мураккаб технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини қуриш концепция ва тамойилларини ишлаб чиқиш» (2007-2011); Ф-4-56 – «Ноаниқ-тўппамли тасаввурлар асосида мураккаб технологик объектларни бошқаришнинг интеллектуал тизимларини структуравий-параметрик синтезлашнинг назарий асослари ва усуллари ишлаб чиқиш» (2012-2016) мавзусидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

6

Тадқиқотнинг мақсади информацион-бошқарув тизимлари иерархиясининг турли сатҳларида айланиб юрувчи бирламчи ўлчаш ва иккиламчи ишлаб чиқариш технологик ахборотлари ишончлилигини таъминлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўлчаш ахборотлари ишончлилигини таъминлашнинг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш ва кейинги ривожланиш тенденциясини аниқлаш ҳамда назарияси ва амалиётини такомиллаштириш;

информацион-бошқарув тизимларидаги ўлчаш ва ишлаб чиқариш технологик ахборотлари ишончлилигини таъминлашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш;

ортиқчалилик асосида маълумотларни узатиш аниқлигини назорат қилиш, ўлчанаётган катталикларни ўлчаш шовқинлари ва халақитларидан филтрлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

маълумотларни узатиш каналларидаги узилишларни аниқлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

информацион-бошқарув тизимларидаги техник-иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобининг ишончлилигини таъминлаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

технологик оқимларнинг ўлчанган параметрлари ишончлилигини

назорат қилиш усулини асослаш;

технологик параметрларни биргаликда ўлчашнинг тизимли хатоликларини аниқлаш услубларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ўлчаш шовқинлари таъсир қиладиган ва ахборотлар тўғрилигини бузилишга олиб келувчи nobарқарорлаштирувчи бошқа омиллар шароитидаги информацион-бошқарув тизимларида ахборотларни ўлчашжараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети информацион-бошқарув тизимлари иерархиясининг турли поғоналарида айланиб юрувчи ахборотларнинг ишончлилигини таъминлаш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажариш давомида ахборотлар ишончлилигини назорат қилиш усуллари, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни моделлаштириш, оптималлаштириш ва ахборот бошқариш назариялари усуллари технологияларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: информацион-бошқарув тизимида ахборотларни киритиш босқичида ўлчаш ахборотларининг талаб этилган ишончлилигини ва яхлитлигини таъминлаш усуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ўлчаш каналлари хатоликлари параметрлари орқали ўлчаш қурилмалар хатоликларини аниқлаш услубиятини бириктирувчи кўп каналли аналитик асбоб хатоликлар усули ишлаб чиқилган;

ахборотлар ишончлилигини назорат қилишнинг информацион бошқарув тизимида маълумотларнинг ортиқчалигига асосланган ва дастлабки назорат, алоқалар сатҳида ўзгартириш ва назорат қилинадиган маълумотларнинг тўғриланган қийматларини ҳисоблаш каби дастурий

7

блоклардан ташкил топган алгоритм ишлаб чиқилган;

тезкор бошқариш ва тақвимли режалалаштиришнинг талаб этилган вақти оралиғида кутилаётган қувватни аниқлаш учун ишлаб чиқаришнинг жорий қувватларини ҳисоблаш ва қурилмаларнинг ишлашини ҳисобга олиш ишончлилигини таъминлаш, ишлаб чиқариш ҳудудининг технологик қисмидаги жараёнлар турғунлигини ҳисоблашнинг ўлчаш натижаларини бирламчи қайта ишлаш дастурий таъминоти ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси. Ишлаб чиқаришнинг техник иқтисодий кўрсаткичини ҳисоби ҳисоблаш алгоритми ва қисман ва бир марталик бузилишларни аниқлаш масаласи ноаниқ таснифлаш ва тимсолларни таниш масалалари қўйилган ва уларнинг ечимлари ишлаб чиқилган;

асосланган ёндашув ўлчаш тракти ишончлилигини кўрсаткичларининг асосий балансли нисбатларни тўғрилаш йўли билан яхшилаш имконини бериш усуллари таклиф қилинган ва реал вақт масштабида фойдаланиш асосида ўлчаш ахборотларининг ишончлилигини таъминлаш алгоритминини амалга оширилувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг

ишончилиги замонавий усуллар ва воситалардан фойдаланиб, бажарилган назарий ва тажрибавий тадқиқотлар натижаларининг мувофиқлиги, шунингдек тажриба-саноат синовлари натижаларининг ижобийлиги билан тасдиқланади. Таҳлилнинг ишончилиги эса тажрибалар схемасининг оптимал танланганлиги ва ўлчашларнинг минимал миқдоридаги таҳлилнинг берилган аниқлиги ҳисобига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўлчаш каналлари ва технологик жиҳозлар жорий ҳолатларининг асосланган баҳосини жумладан, технологик параметрларнинг техник-иқтисодий ҳисоблари учун аҳамиятлилигини аниқлаш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тақлиф этилган ёндашувнинг ўлчаш жараёнлари ва информацион-бошқарув тизими ўзгарувчиларини ва унинг жорий сатҳини баҳолашни, шунингдек бу кўрсаткичларнинг ўзгаришларини тизимнинг алоҳида элементлари ва уларнинг ишлаш алгоритмларини такомиллаштириш ҳисобига монанд тавсифлашдан иборат бўлиб, у таъминлашга бўлган харажатларнинг чекланган шароитида ишончилилик сатҳини энг юқори сатҳгача етказиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Информацион бошқарув тизимларида ишончилиликни таъминлашнинг ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлари асосида:

бирламчи ўлчаш ахборотларини қайта ишлашда информацион бошқариш тизимлардаги асосий параметрларнинг ҳақиқий қийматларини ҳисоблаш усуллари, саноатнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритмлари «Ангрен ИЭС» АЖ корхонасида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» ДАК нинг 2016 йил 2 августдаги ДИ-01-

8

21/2755-сон маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижалари технологик жараёндаги асосий параметрларнинг ўлчов натижаларини ишончилигини таъминлашда қўлланилди. Ишлаб чиқилган алгоритм ва усуллар технологик ўлчов параметрларини юқорида аниқликда ўлчаш имконини берган;

технологик жараённинг асосий ўлчаш параметрларини ишончилиikka баҳолаш ва уларнинг ҳақиқий қийматларини ҳисоблаш алгоритмлари, саноатнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритмлари «Yangi-AngrenIES» АЖ корхоналарида техник-иқтисодий кўрсаткич параметрларини тўғрилигини ҳисоблашга жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси «Ўзбекэнерго» ДАК нинг 2016 йил 2 августдаги ДИ-01-21/2755-сон маълумотномаси). Натижаларнинг жорий қилиниши ўлчаш ахборотидаги хатоликларни бартараф этиш ҳисобига моддий харажатлар сарфини камайишига олиб келган;

информацион – бошқарув тизимида ўлчаш ахборотини ишончилигини таъминлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш масалалари Ф-4-56 – «Ноаниқ-тўпلامли тасаввурлар асосида мураккаб технологик объектларни

бошқаришнинг интеллектуал тизимларини структуравий-параметрик синтезлашнинг назарий асослари ва усулларини ишлаб чиқиш» грант соҳасида (2012 - 2016 йй) мураккаб кимё-технологик комплексларнинг имитацион моделларини, структураларини ишлаб чиқишда ва объект бошқарув ҳолатларини аниқлашда қўлланилган. Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ахборот бошқарув тизим ўлчаш параметрлари ва уларнинг ўзгарувчиларини ишончлилигини баҳолаш, шунингдек бу кўрсаткичларнинг ўзгаришларини тизимнинг алоҳида элементлари ва уларнинг ишлаш алгоритмларини такомиллаштириш ҳисобиغا монанд тавсифлаб, у таъминлашга бўлган харажатларнинг чекланган шароитида тўғрилиқ сатҳини энг юқори сатҳгача етказиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотлари натижалари, жумладан 27 та халқаро анжуманларда ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Бажарилган тадқиқот натижалари бўйича 30 та илмий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола (8 та республика ва 8 таси хорижий журналларда), 1 та монография чоп этилган. Дастурий маҳсулотлар учун 4 та ЭҲМ учун яратилган дастурий воситаларни қайд қилиш гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 124 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор

9

йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Информацион-бошқарув тизимларида ўлчов ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш назарияси ва амалиётининг замонавий ҳолати ҳамда кейинги ривожланиши ва такомиллашувининг тенденциялари»** деб номланган биринчи бобида илмий муаммонинг танқидий жиҳатдан ечиладиган замонавий ҳолати таҳлил этилган. Мавжуд маълумот ишончлилиги тушунчалари изоҳи келтирилган ҳамда ҳалақитлар, тўсиқлар ва бузилишларга мойил ахборотга ишлов бериш тизимларида унинг бузилишлари сабаблари кўрсатилган. Дастлабки маълумотларга бирламчи ишлов беришнинг асосий вазифалари ва ўлчанадиган катталикларнинг

ҳалақитлардан филтрланиши изоҳланган. Информацион-бошқарув тизимларида ахборот ишончилигини ошириш принциплари таърифланган.

Кўрсатилишича, ахборот ишончилигининг пасайиши қуйидагилар билан сабабланади: ахборотни узатиш, сақлаш ва қайта ишлов беришда ҳалақитлар таъсири; аппаратура ишлашидаги адашиш ва бузилишлари; структуравий ва алгоритмик хатоликлар; нотўғри кириш маълумотларидан фойдаланиш; инсоннинг бошқарув тизими бўғими сифатидаги хатоликлар.

Ахборот ишончилиги таъминлашдаги тизимли ёндашув нафақат ахборотни узатишда унинг ортиқчалигини рационал аниқлашга, балки аппаратура ва дастурда ортиқчалигидан фойдаланиш масалаларини ечишга ҳам имкон беради. Ахборотни узатиш тезлиги берилганида хатолик имконининг маълумотларга сезиларли ортиқчаликни киритиш йўли билан ёки кодлаш ва декодлаш алгоритмлари ёки қурилмаларини сезиларли даражада ошириш йўли билан камайтириш мумкин. Нафақат аппаратли, балки алгоритмик жиҳатдан ҳам амалга ошириладиган информацион бошқарув тизимларидаги ахборотни резервлашда объект моделидан келиб чиқадиган турлича параметрлар қийматлари аро алоқалар қўлланилади.

Мисол сифатида саноат ишлаб чиқаришдаги тармоқли технологик схемалар учун баланс тенгламалари бўлиши мумкин.

Диссертациянинг «Информацион-бошқарув тизимларида маълумотлар ишончилигини таъминланишининг илмий – методик асослари» деб номланган иккинчи бобида информацион-бошқарув тизимлари (ИБТ) иерархиясининг турли қатламларда айланаётган маълумотларнинг ишончилигини таъминлайдиган усуллар келтирилган.

Ишда ИБТ да ахборот ишончилик кўрсаткичини назорат қилишнинг умумий модели таклиф қилинган. Ахборотни киритиш босқичида ўлчаш ахборотининг ишончилигига таъсир қилувчи қуйидаги хатолар ўз ўринларига эга, символларни алмаштириш, символларни ташлаб кетиш ва қўшиш (қўйиш) ва символларни транспозициялаш (қайта жойлаштириш).

Ахборотни киритиш босқичида эҳтимолий хатолар

10

$\lim (/) , (1)$

$$p_{ош} = n N = p + p + p + p_{\rightarrow \infty} \\ \text{ош з п д т }_N$$

бу ерда N —барча символлар сони; $n_{ош}$ -хато символларнинг умумий сони; p_z , $p_{п}$, p_d , p^T -мувофиқ равишда символларни транспозициялаш, алмаштириш ва ташлаб кетиш турларидаги хатоларнинг пайдо бўлиш эҳтимоллиги. Хатоларни гуруҳларга ажратиш ишончилиликни баҳолашда маънога эга. Символларни алмаштириш ва бошқа жойга ўрнатиш хатоларининг турлари ахборотнинг (риквизит) умумий узунлигини ўзгартирмайди, шунинг учун баъзан уларни символли хатолар, ташлаб кетиш ёки символларни қўйиш ва ахборотнинг умумий узунлигини (формат) ўзгартирувчи турдаги хатоларни эса форматли хатолар деб айтилади.

Ахборотни киритиш босқичидаги ишончлиликни таъминлаш усулларида бири назорат рақамларини киритиш усули ҳисобланади. Усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Х сонига олдиндан танлаб асослаб олинган алоҳида разрядлардаги a_i операциясига ёки n – разрядли сонларни текширувчи рақам N_α ни қўшади:

$$N_\alpha = \sum_{i=1}^n a_i \alpha^i \quad (2)$$

Сўнгра текширувчи рақамни текширилувчи сонга қўшади, бунда унинг жойи ихтиёрий (одатда уни рақам охиридан танланади) олиниши мумкин.

Назорат рақамини олишнинг усулларида бири сонларни q модулга бўлишдан иборат. Назорат рақами сифатида модул бўйича бўлинган қолдиқ ишлатилади. Назорат рақамини бундай олиш усул модул бўйича назоратга киради. Хатоларни топа олмаслик эҳтимоли q модулга тескари пропорционал ҳисобланади. Бундан ташқари яна бошқа усуллар бўлиши мумкин. Модул бўйича назоратнинг турли хиллиги разрад бўйича қўйиш ҳисобланади. Бунда

q_k модулга соннинг ўзи эмас, балки рақамлар суммаси, $\sum_{i=1}^n a_i$ бўлинади, (бу

ерда a_i - i -чи разрядни қиймати). Қолдиф катталиги

$$\sum_{i=1}^n a_i \equiv \sum_{i=1}^n a_i \pmod{q} \quad (3)$$

Бу ерда n -ҳимояланувчи a_i - i -чи разрядни, $\sum_{i=1}^n a_i$ – бутун қисм $\sum_{i=1}^n a_i$ қийматни ахборотдаги рақамлар сони. Агар a_k нинг назорат разряди сифатида r_a катталик қўлланилса, унда хато йўқ деган шарт қуйидаги кўринишда бўлади:

$$\sum_{i=1}^n a_i \equiv a \pmod{q} \quad (4)$$

Назоратнинг рақамли усули кўрилган усулдан фарқи қуйидагича,

$$= \sum_{i=1}^n a_i \cdot 10^{-i}$$

$$N_a a^i \quad (5)$$

$$i = 1$$

11

Шунингдек, ω_i оғирлик оэффицентли рақамли назорат қўлланилади.

$$\sum$$

$$a \omega \quad (6)$$

$$N a$$

$$=$$

$$i = 1$$

Бундай усулни қўллаш ахборот хатоликдан иборатлигини кўрсатади. Диссертациянинг «**Информацион-бошқарув тизимларида ўлчаш маълумотларининг ишончлилигини ошириш**» деб номланган учинчи бобида ўлчаш маълумотларининг ишончлилигини таъминлайдиган алгоритмлари таклиф қилинган. Бирламчи ўлчов маълумотларга ишлов беришнинг мавжуд усуллари тўлиқ ҳажмда бирламчи маълумотларнинг ишончсизлиги манбаларини топиш ва ахборотни биринчи қийматгача тиклаш имконини бермайдилар. Ушбу масалани ечишда ортиқча ахборотни қўллашга асосланган ёндашувни қўллаш мақсадга мувофиқ. Охиргиси объектнинг боғлиқ координаталарни назорат қилиш имкони бўлганида пайдо бўлади. Бу борада информацион-бошқарув тизимларида мавжуд ахборот ортиқчалигига асосланган маълумотнинг ишончлилигини назорат қилиш алгоритми ишлаб чиқилган. Тизимда бошқарилаётган технологик жараённинг $x_1, x_2, \dots, x_n$ параметрларни n катталикларининг ўлчови амалга оширилсин. Ушбу параметрларни боғлайдиган қуйидаги r тенгламалар маълум бўлганида, ахборот ортиқчалиги бор, деб ҳисоблашимиз мумкин:

$$\{ \} = (, \dots) 0 \quad Y x x x \quad (7)$$

$$1 \ 1 \ 2$$

$$n$$

$$\{ \}$$

$$(, \dots) 0 Y x x x$$

$$*$$

$$**$$

$$2 \ 1 \ 2$$

$$n$$

$x_1, \dots, x_n$ билан ўлчов натижаларини белгилаймиз. Барча $i = 1, 2, \dots, n$ учун

текширувни $\alpha \leq \beta^*_{ix}$ ўтказиб, ўтмайдиган параметрларни белгилаб оламиз.

Ушбу параметрларга ўлчовчилар носозлиги сабабли айни пайтда ўлчанмайдиган параметрларни қўшамиз. Текширувдан ўтмаган ва айни пайтда ўтмаган параметрларни аниқлаш процедурасини дастлабки назоратга оид, деб қабул қиламиз. Шу каби параметрлар $(n-m)$ бўлсин, бунда $(n-m < r)$. Янги белгиланишларни $X_i = Y_k; i, k = 1, 2, \dots, n$ киритиб, дастлабки назоратдан ўтмаган параметрлар $k = (m+1), \dots, n$ рақамларни оладиган $i \rightarrow k$ мосликни киритиб оламиз. Унда $Y_1, Y_2, Y_3, \dots, Y_{n-m+r}$ ўзгарувчанларни кетма-кет чиқариб ташлаш йўли билан система (7) қуйидаги кўринишга ўзгартирилиши мумкин: =

ходисалар – бу (7) тенгламадаги
нолга тенг бўлмаган
номосликлар бўйича дастлабки

1-расм. Ахборот ишончилигини назорат қилиш алгоритми схемаси

назорат блоки томонидан

ўлчовлардир. Тўғрилиқ назоратидаги бошқариш таъсирлари – бу (7) тенгламага жавоб берадиган ва, демак етарли даражада ишончли бўлган

коррекция қилинган қийматларнинг $i \tilde{x}$, $i = 1, 2, \dots, n$ ҳисобидир. Ўлчов хатоликлари тўғрисидаги баъзи тахминларда коррекция қилинган қийматлар $i \tilde{x}$ энг ишончилиридир.

Ишончилиқни назорат қилиш принципи асосига абсолют қийматларни чегаравий қийматларидан чиқиш, параметрларнинг тезлигини ўзгариши ва мантикий алоқаларни бузилиш факторларини қўллаш ётади. Назоратнинг самарадорлиги регламентли чегаралардан технологик параметрларни чиқиш ҳолатида сонларни қисқартишда ва берилган режимда жараёни қўллаб-қувватлаш имконияти билан бирга, якуний маҳсулотни юқори сифатини таъминлайди. Руҳсат этилган чегаралар бўйича назорат қилиш алгоритми 2-расмда берилган.

Ностационар жараёнларни тўғрилиқлигини назорат қилиш ҳозирги вақтгача етарли даражада ишлаб чиқилмаган. Ностационар технологик жараёнлар ахборотларини ишончилиқлигини назорат қилиш алгоритмини кўриб чиқамиз.

$$x(t) = M(t) + x^*(t), \quad (10)$$

бу ерда $M(t) = \sum_{N=0}^m$

$$\sum_{N=0}^m a_N t^N \quad \text{полином билан}$$

$-N(N=0, 1, 2, \dots)$ вақт тартибида

аппроксимацияланувчи, жараёнинг математик кутилиши; $x(t)$ – марказланган стационар тасодифий таркиби. Адаптив экспоненциал силлиқлантириш қуйидаги тенглама орқали амалга оширилади:

$$x_n = x_{n-1} + 1 - \alpha x_{n-1} \alpha y, \quad (11)$$

13

Адаптив экспоненциал силлиқлантирувчи алгоритм блок-схемаси 3-расмда келтирилган. Параметрларнинг шартли белгиланиши: x_n – параметрнинг силлиқлантирилган қиймати; y_{n-1} – параметрнинг силлиқлантирилган қиймати; $M=0, 1, 2, 3$ – силлиқлантиришни коэффициентини аниқловчи сон; k, I – ҳисоблагич.

Систематик хатолик қуйидаги тенглама орқали топилади:

m

$$1, \quad (12)$$

$$\Delta = \Delta \sum_{i=1}^m c_i$$

бу ерда m — ҳар бир кесимдаги ўлчашнинг миқдори; i - ҳар бир кесимдаги ўлчашнинг тартиб номери. Тасодифий хатолик қуйидагича аниқланади:

$$\sum_{i=1}^m \Delta_i^2 = \sigma^2 \quad (13)$$

Сўнгра барча кесим бўйича ўрта квадрат оғиш аниқланади:

$$\sum_{i=1}^m f_i^2 = \sigma^2 \quad (14)$$

бу ерда f_i — оғирлик коэффициентлари, улар маълум деб ҳисобланади ва ўртача систематик хатоликни (Δ_c) ни аниқлайди:

$$\Delta_c = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n f_i$$


$$\Delta = \Delta \sum_{i=1}^n c_i$$

бу ерда t —Стьюдент коэффициентлари ($t \approx 2$ бўлганда $n=30$).

Мисол сифатида «Янги-Ангрен ИЭС» АЖнинг аниқ диспетчерлик бошқарувининг автоматлаштирилган тизими учун ишлаб чиқилган ишончлилиқ назорат алгоритмининг баъзи параметрларини келтириш мумкин.



2-расм. Рухсат этилган чегаралар бўйича ахборотнинг ишончилигини назорат қилиш алгоритмининг блок-схемаси



3-расм. Адаптив силликлантирувчи алгоритм блок-схемаси

14

Умумий хатоликни қуйидаги тенглама орқали ҳисоблайди: $(\Delta_c)^0 \Delta_c = \Delta_c \pm t\sigma \Delta$, (16)

Алгоритм 51 технологик параметрни назорат қилиб, 15 алоқа тенгламаларига асосланган. Унинг тадбиқ этилиши ҳисоблаш машинасининг оператив хотирасида 2000 ячейка атрофида жойталаб қилади.

Диссертациянинг «Оператив-диспетчер бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимларида иккиламчи саноат-технологик ахборотни ишончилигини таъминлаш» деб номланган тўртинчи бобида тизимда айланадиган ахборотнинг ишончилигини назорат қилиш алгоритмини амалга ошириб ва кимё-технологик комплекснинг ишончилилик характеристикалари ишончли ахборот асосида объектнинг ишлаш натижаларини прогнозлаш ва кутилатган дестабилизирилган ғалаёнлардан йўқотишларни, компенсацияларни таъминлайдиган бошқарув таъсирларини ҳисоблаш имконини берадиган информацион-бошқарув тизимларини ишлаб чиқариш ёндашуви келтирилган. Технологик тугунларнинг динамик хусусиятларини акс эттирадиган вазн функциялари техник-иқтисодий кўрсаткични ҳисоблашда ва бошқарув таъсирига реакциясини баҳолашда қўлланилади. Бунинг учун авто ва ўзаро корреляцион функциялар ҳисоб китоб қилинади:

$$\sum_{i=1}^{Nl} 1^1, (17)$$

$$\frac{R}{1} \frac{rr}{lrr}$$

$$Nl \quad i \quad = \quad \frac{ii}{1} \quad 1 \quad (18) \quad Nl$$

$$rg \quad \sum \quad - \quad 1 \quad R \quad ii \quad 1 \quad + \quad - \quad = \quad r \quad q \quad Nl \quad i \quad = \quad 1 \quad = 0, ; \leq ; m -$$

бу ерда: N — массивнинг амалга ошириш узунлиги; $l \ m \ m \ N \ 10$

$$, \quad 1 \quad li \quad m_r \quad r = r - . \quad 1$$

$$\sum \quad 1 \quad m \quad \text{корреляцион функцияларнинг ординаталар сони.} \quad r \quad r \quad = \quad N \quad i \quad = \quad 1$$

Вазн функциясининг тўплами қуйидаги тенгламалар системасини ечишда аниқланади

$$rg \quad R_l \quad R \quad \sum \quad m \quad rr \quad \omega . \quad (19)$$

$$= .$$

$$i \quad = \quad 1 \quad il$$

Вазн функциясини ҳисоблаганда танлаб олиш узунлиги $N \approx 500$ ташкил қилади. Ординаталар сони m ихтиёрий тарзда берилади. Вазн функциясининг ҳисобланган ординаталари оператив-диспетчерлик бошқарувини автоматлаштирилган тизимининг ахборот таъминоти таркибига кирадиган маълумотлар массиввига киритиладилар. Ишда «Навоиазот» АЖда неорганик гуруҳ технологик жараенлари учун турғунликни ҳисоблаш алгоритми таклиф этилган. Бунинг учун қуйидаги ифодалар қўлланилган:

$$S \quad t \quad S \quad t \quad () \quad () \quad () \quad b \quad t$$

$$- \quad \sigma = (20)$$

$$j \quad cj \quad t \quad i \quad j \quad , \quad ()$$

$$\begin{aligned}
& \left\{ \begin{array}{l} \geq \\ < \end{array} \right. \stackrel{ext}{=} (), () 0 \text{ } S t \text{ если} \\
& b t \\
& \begin{array}{l} j_{ext} \\ (), () 0_j \end{array} \\
& S \\
& \left\{ \begin{array}{l} \geq \\ < \end{array} \right. \stackrel{ext}{=} \begin{array}{l} i \\ \max \\ i \\ \max \end{array} S t \text{ если} \\
& b t \\
& \sigma = (22) \begin{array}{l} () () \\ () 0 \end{array} \\
& \begin{array}{l} Q t Q t_{ii} \\ q t q t \end{array} \begin{array}{l} () () \\ \underline{00} \quad \underline{ii} \quad \underline{00} \end{array} \\
& t_{i0} Z t \\
& \begin{array}{l} \max \\ q t q t \\ () () \\ ii \end{array} \begin{array}{l} (), 2 () P q t \\ 00 \end{array} \\
& \begin{array}{l} i \\ 0 \end{array} \\
& \max Q t q t T t_i = i - . (23) \\
& \max \\
& () () () 00
\end{aligned}$$

бу ерда: $(t) \sigma_{ncj}$ - t вақт моментида C_j тугуннинг турғунлиги (у билан боғлиқ технологик тугунларга таъсир этилмаганида ушбу вақт давомида C_j тугуннинг маҳсулот билан тўлдирилиши чегараларидан бирига етади); $j S$ ва^{min}_{max}

$j S$ -омбор C_j нинг маҳсулот билан тўлдирилишининг максимал ва минимал йўл қўйиладиган чегаралари; Q_i - $[0, T]$ режаштириш интервалида технологик тугуннинг режавий вазифасининг қиймати; $\max Q$ - муддат давомидаги мавжуд ресурсларнинг максимал олининишида i n тугунининг максимал ишлови

$$\begin{aligned}
& T \\
& \max \max (()); (24) \\
& \int = \\
& \begin{array}{l} ii \\ 0 \end{array} T Q q t dt
\end{aligned}$$

бу ерда $() \max q t_i$ - T муддати давомида мавжуд ресурсларни максимал

олининишидаги юки; $(\sigma_i)_{0 \leq t \leq T}$ интервали учун жараён турғунлик доирасидан чиқмаслиги учун максимал юкламага ўтишни бошлаш t_0 моментидан бошлаб вақти (юкламаси $(r_i)_{0 \leq t \leq T}$ да t_0 моментидаги турғунлиги;

$(Z_i)_{0 \leq t \leq T}$ интервали учун юклама ўзгаришининг бошига нисбатан ишлаб чиқаришнинг ўзгариши бошининг силжиши; $[q_i(t_0) - q_i(t_0)] / p_i q_i^{\max} - q_i^{\max} q_i(t_0)$ гача ўтиш вақти;

$(\sigma_i)_{0 \leq t \leq T}$ интервали учун ишлаб чиқаришнинг $(q_i)_{0 \leq t \leq T}$ дан $(q_i^{\max})_{0 \leq t \leq T}$ гача ўзгаришнинг тезлиги.

$(P_i)_{0 \leq t \leq T}$ - ишлаб чиқаришнинг $(q_i)_{0 \leq t \leq T}$ дан $(q_i^{\max})_{0 \leq t \leq T}$

Кимё-технологик комплекснинг умумий ҳолатини баҳоловчи катталиқ сифатида қуйидагича ҳисобланади:

$$\min\{\sigma_1, \sigma_2, \dots, \sigma_N\} \cdot \sigma_n \sigma_{nm} \sigma_c \sigma_c \quad (25)$$

Масалани ечиш натижалари технологик ва тўпловчи турғунликлари катталиклари тўғрилиги тўғрисида маълумотлар тўпламига эга жадваллар кўринишида босиб чиқарилади.

Диссертациянинг «**Информацион-бошқарув тизимларида ўлчаш ахборотини диагностика қилиш алгоритмларининг амалга оширилиши**» деб номланган бешинчи бобида диссертация иши доирасида ишлаб чиқилган информацион-бошқарув тизимлари каналларида айланадиган бирламчи ўлчов ва иккиламчи бавосита ишлаб чиқариш технологик ахборотнинг тўғрилигини таъминлаш усуллари ва алгоритмларини қўллаш натижалари келтирилган. Келтирилган методика “Янги-Ангрен ИЭС” АЖ нинг автоматлаштирилган бошқарув тизимида суткада, сменада тизим томонидан ҳисобланган ишлаб чиқаришнинг техник-иқтисодий кўрсаткичи коррекциясида қўлланилган. Ишлаб чиқаришнинг барча қурилмалари бўйича кириш ва чиқиш оқимлари бўйича баланс талаблари бажарилиши керак.

16

Буларнинг барчаси юқорида келтирилган методиканинг қўлланилишига имкон яратди.

Ўлчов хатоликлари компенсацияси олдин қурилмаларнинг алоҳида тугунларида амалга оширилган, сўнг коррекция қилинган қийматлар кейинги коррекцияларда қўлланилган. Ишлаб чиқариш қурилмалари бўйича коррекциялаш алгоритми талаб этишича, қурилмаларнинг стационар режимда (юкламалари ва сатҳи бўйича) қуйидаги талаб бажарилиши шарт:

$$\sum_{j=1}^b + \sum_{l=1}^d = G_{jm} T, \quad m = 1, 2, \dots, b, \quad l = 1, 2, \dots, d, \quad (28)$$

бу ерда m, l - тегишлича кириш ва чиқиш оқимлари; $G(T)_{jm}, G(T)_{jl}$ - T вақт интервалида (сменада, суткада) j -ли қурилманинг тегишлича ҳақиқий кириш

ва чиқиш оқимлари. Техник-иқтисодий кўрсаткич ҳисобланган қийматлар коррективировкаси (28) ифодага жавоб берадиган ва ушбу катталикларнинг

ҳисоблаганларига нисбатан оғишлари квадратларининг вазн йиғиндисини минималлаштирилган $G(T)_{ji}$ қийматларини топишдан иборат, яъни:

$$\sum_{i=1}^n \frac{P_i G(T)_{ji}^2}{G(T)_{ji}^2 + G(T)_{i1}^2} = \min$$

бу ерда $G(T)_{ji}$, $G(T)_{i1}$ - тегишлича коррекцияланган ва ўлчанган техник иқтисодий кўрсаткичлар қийматлари; P_i -ли оқимнинг вазн кўпайтирувчиси. j -ли қурилманинг ҳар бир оқими учун кўрсаткичлар қийматлари бир бирига боғлиқ бўлмаган қуйидаги уч усул ёрдамида аниқланган: берилган қурилмада ўрнатилган датчик сигнали бўйича; бошқа қурилмада ўрнатилган датчик сигнали бўйича; аниқланаётган идиш билан ажратилган бошқа оқимнинг ўлчанган қиймати бўйича, шунингдек идишдаги сатҳ ўзгариши бўйича. Ўлчовлар турли шароитларда олиб борилганлари боис (турли қурилмаларда, турли датчиклардан фойдаланиб) ўлчов ҳатоликлари корреляция этилмаган, деб ҳулоса қилиш мумкин. Кўрсаткичнинг ўртача ўлчанган қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланган:

$$\sum_{i=1}^n \frac{L_{iv} G_{iv}^m}{G_{iv}^m} \sim \frac{1}{m}, \quad (30)$$

бу ерда G_{iv} - i -ли параметрнинг v -ли ўлчови; L_{iv} - v -ли ўлчовнинг вазн k $L = \frac{1}{m}$; G_{iv} дисперсиясининг

коэффициенти, $G_{iv}^2 S$

S - v -ли ўлчовнинг хатолиги

баҳоси; k - баъзи коэффициент. i -ли оқимнинг вазн кўпайтирувчиси P_i қуйидагича аниқланган:

$$NP = \frac{1}{m}, \quad (31)$$

$$\frac{S}{G_i^2}$$

бу ерда G_i^2

S - ўлчовчилар тўғрисида маълумотларга (паспорт ва

эксплуатация маълумотлари) таяниб ҳисобланган кўрсаткични $G(T)_i$

аниқлашнинг ҳатоли дисперсиясининг баҳоси; N - масштаб коэффициенти. «Янги-Ангрен ИЭС» АЖ корхонасидаги қурилмалар учун ушбу масаланинг ечими қуйидагича бўлади:

Жадвал 1

Ишлаб чиқаришнинг техник иқтисодий кўрсаткичларини коррекциялаш
натижалари

Ўлча- ган оқимлар G_i	Ҳисобланган қийматлар, шартли бирл.			Ўртача ўлчама и қиймат лар, шартли бирл. $\bar{G}_i^H$	Макс- имал норма- ланган оқим δ	Сигналнинг «1»-иссотиқ, «0»-норма			Оқим- лар норми P_i	$\hat{G}_i^H$	$\hat{P}_i$	B_j	ТИК коррек- цияланган қийматлари, $\bar{G}_i$	
	G_{i1}^H	G_{i2}^H	G_{i3}^H			G_{i1}^H	G_{i2}^H	G_{i3}^H						
G_1	226,0	225,2	235,0	228,1	2,70		0	0	1	0,0040	0,0044	225,6		229,1
G_2	12,7	12,0	-	12,6	0,55	1,414	0	0	0	0,1514	0,1514	12,6	5,5	12,7
G_3	143,9	143,7	141,0	143,3	1,35		0	0	0	0,0214	0,0214	143,3		142,6
G_4	99,0	101,4	98,2	99,1	1,00		0	0	0	0,0214	0,0214	99,9		99,2

S қиймати технологик оқимларнинг барча ўлчагичлари нормал
 $2 \sim H_{G_{ji}}$

ишлаганида аниқланган. (32) ва (33) бўйича кўрсаткичларнинг
корректировкаси фақат (35) шарт бажарилганида амалга оширилган. 1
Жадвалда қурилманинг техник-иқтисодий кўрсаткични корректировкалашда
18

алгоритм ишини тасвирлаш учун ҳизмат қилади.

Жадвал учун «Янги-Ангрен ИЭС» АЖ корхонасидаги оператив
диспетчерлик бошқарувини автоматлаштирилган тизимининг саноат
эксплуатациясида олинган. Баён этилган усулишлаб чиқаришнинг
ҳисобланган «Янги-Ангрен ИЭС» АЖ нинг диспетчерлик бошқаруви
tizимида смена, суткада ТИК коррекциясида қўлланилган. Бунда δ катталиги
нормал тарқалиш жадваллари бўйича аниқланган ва барча оқимлар учун
1,414 га тенг бўлган.

Информацион-бошқарув тизимларидаги ўлчаш ахборотларини
ишончилиштириш усул ва алгоритмлари автоматлаштирилган технологик
жараёнларни техник-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобининг ишончилигини
таъминлашга, уларнинг хатоликларини аниқлаш ва уларни тўғрилаш
имконларини яратади.

ХУЛОСА

«Информацион-бошқарув тизимларида ўлчаш ахборотини
ишончилигини» мавзусидаги докторлик диссертацияси бўйича олиб
борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Информацион-бошқарув тизими иерархиянинг турли сатҳида ўлчаш
каналларида айланувчи, ахборотни кири киритиш босқичида ишончилиқни
таъминлашнинг илмий – улубий усуллари шакллантирилган.

2. Информацион-бошқарув тизимида бирламчи ва бавосита

иккиламчи саноат-технологик ахборотни ишончилигини оширишнинг илмий-услубий асосни ифодаловчи мажмуани ўлчаш ахборотларини талаб этилган ишончилик ва тўлиқликни таъминлаш усуллари ва алгоритмлари таклиф қилинган;

3. Саноат ишлаб чиқариши техник-иқтисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш масалаларидаги ахборотлар ишончилигини назорат қилишнинг алгоритми таклиф этилган бўлиб, тўғрилаш тадқиқ қилинаётган объект ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш асосида амалга оширилади ва алгоритмнинг ўзи бир-бири билан ўзаро таъсирлашувчи қуйидаги дастурий модуллардан ташкил топган: «дастлабки назорат», «алоқа тенгламаларини ўзгартириш» ва «ишлаб чиқариш техник-иқтисодий кўрсаткичларининг тўғриланган қийматлар» ини ҳисоблаш имконини беради;

4. Саноат ва технологик жараёнларни бошқаришнинг интегрирланган тизимини информацион таъминлаш масалалари кўрилган. Ўлчаш ахборотини қайта ишлаш алгоритмлари очиб берилган: масштаблаш ва чегаравий қийматларни чизиқлантириш, ишончилиликни назорат қилиш, экспоненционал силлиқлантириш (филтрлаш), ўлчаш қийматларни мувофиқ чегаравий берилган қийматларни назорат қилиш.

5. Ўлчаш ахборотларининг талаб этилган бутунлиги (яхлитлиги) ва тўғрилигини таъминлаш усуллари ва алгоритмлари таклиф этилган, уларнинг барчаси ўзида информацион-бошқарув тизимларидаги, жумладан тизимга ахборотларни киритиш босқичидаги бирламчи ва иккиламчи ишлаб

19

чиқариш-технологик ахборотлари ишончилигини оширишнинг илмий услубий асослари намоён этилган;

6. Автоматик тизимнинг оператив-диспечерли бошқарувида кириш ахборотларнинг бирламчи қайта ишлаш дастурий комплекси ишлаб чиқилди, у қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади: реал вақтда кўрсаткичларнинг жорий қийматини реал масштабда датчикларининг чиқиш сигналининг филтрлашда баҳолаш; ишончилик учун жорий кўрсаткичларни назорат қилиш; харажатлар ва даражаларнинг ҳақиқий қийматини ҳисоблаб чиқиш; харажатларининг жорий қийматини агрегирлаш ва интеграллаш масалалари; ускуна ишини ҳисобга олиш ва талаб этилган интервал вақтида прогнозлаш қувватини аниқлашда ишлаб чиқаришнинг жорий қувватини ҳисоблаб чиқиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.03.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ТЕМЕРБЕКОВА БАРНОХОН МАРАТОВНА

**ДОСТОВЕРИЗАЦИЯ ИЗМЕРИТЕЛЬНОЙ ИНФОРМАЦИИ В
ИНФОРМАЦИОННО-УПРАВЛЯЮЩИХ СИСТЕМАХ**

05.03.01-Приборы. Методы измерения и контроля (по отраслям)

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

21

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/T10

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете. Автореферат диссертации на трёх (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по

адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель: Гулямов Шухрат Манапович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Игамбердиев Хусан Закирович
доктор технических наук, профессор

Мухамедханов Улугбек Тургудович
доктор технических наук, профессор

Ведущая организация: АО «Химавтоматика»

Защита диссертации состоится «20» июля 2017 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано № B2017.1.PhD/T11). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «08» _июль_ 2017 года.
(реестр протокола рассылки №1 от «01» _июля_ 2017 года.)

Н.Р. Юсупбеков
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней
д.т.н., профессор, академик АН РУз

Ш.А.Тураев
Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.т.н., доцент

М.М.Мухитдинов
Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире деятельность промышленных производств и функционирование систем

контроля и управления технологическими процессами характеризуется сложностью, высокой скоростью протекания физико-химических превращений, необходимостью обработки огромных объемов требует обеспечения достоверности производственно-технологической информации. Информационные потоки, содержащие измерительную информацию, статистические данные, знания и опыт экспертов, которые определяют эффективность процессов контроля и управления состоянием сложных динамических объектов с целью обеспечения их безотказного и исправного функционирования, определяемого достоверностью ИУС является важной задачей.

С обретением независимости в республике достигнуты ощутимые результаты при создании эффективных систем управления осуществляется количественная оценка и постоянный контроль достоверности информации как ключевого показателя функциональной устойчивости информационно управляющих систем предусмотренные руководящими нормативно техническими документами. В этой сфере можно отдельно указать на обеспечение достоверности измерительной информации в информационно управляющих системах разных объектах, в том числе направленные на разработку высоко эффективных систем управления отдельными технологическими объектами в различных отраслях производства, интеллектуализация управленческих процессов и интеллектуализация управления технологическими процессами.

В мире пристальное внимание уделяется сложной научно-технической проблеме обеспечения требуемого уровня достоверности информации, инженерным методам и алгоритмам борьбы с недостоверными данными, разработке и реализации методов и алгоритмов обеспечения достоверности и целостности информации, циркулирующей на различных иерархических ступенях ИУС. В этой области осуществление целенаправленных научных исследований, анализ современного состояния и выявление тенденций дальнейшего развития и совершенствования теории и практики достоверизации измерительной информации, анализ современного состояния и выявление тенденций дальнейшего развития и совершенствования теории и практики достоверизации измерительной информации, разработка научно методических основ обеспечения достоверности измерительной и производственно-технологической информации в ИУС является одной из приоритетных и востребованных проблем.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-1989 от 27 июня 2013 года «О мерах по дальнейшему развитию национальной информационно-коммуникационной системы» и № ПП-1442 от 15 декабря 2010 года «О приоритетах развития

промышленности Республики Узбекистан в 2014-2015 годах», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. По результатам мировых исследований большой вклад в развитие теории и практики обеспечения достоверности измерительной информации внесли зарубежные ученые Ch.W.Bachman, W.W.Peterson, D.Ritchi (США), E.F. Codd, C.J.Date, Alan Turing (Великобритания), E.N.Gilbert, (Германия), R.C.Bose, Danish Jamil, (Индия), Peter Pin-Shan Chen (Китай), В.Б.Кудрявцев, Чжо Зо Е, Д.А.Полянский, С.И.Самойленко, Э.Э.Гасанов, А.И.Репин, А.Н.Савельев, В.Р.Сабанин, В.С.Бурцев, В.А.Котельников, Ю.В. Гуляев, (Россия) и др.

В теорию и практику достоверизации информации в многоуровневых ИУС значительный вклад внесли отечественные ученые: Д.А.Абдуллаев, Ф.Т.Адылова, Ф.Т.Адилов, Р.К.Азимов, А.Р.Ахатов, Б.М.Ахмедов, Т.Ф.Бекмуратов, Х.З.Игамбердиев, П.Р.Исматуллаев, М.М.Камилов, А.Р.Марахимов, У.Т.Мухамедханов, М.М.Мухитдинов, Т.Д.Раджабов, Ю.Г.Шипулин, И.И.Жуманов, О.Ш.Хакимов, Н.Р.Юсупбеков и др.

В области контроля и оценки достоверности измерительной информации в ИУС известны работы Маркова Н.Н. (допусковый контроль), Разумного В.М. (автоматический контроль), Данилевича С.Б. (многопараметрический контроль). Вопросы достоверности диагностики и распознавания образов рассмотрены в работах Биргера И.А., Дианова В.Н. (техническая диагностика), Горелика А.Л., Скрипкина В.А. (распознавание образов). Однако характеристики достоверности результатов контроля, диагностики и распознавания образов, описанные в этих работах, как отмечает Меликова О.Н., не образуют единой системы результатов реализации измерительных информационных технологий в целом. Решению этой злободневной и востребованной задачи и посвящена реферируемая диссертационная работа, в которой предпринята попытка разработать научно-методические основы, методы и алгоритмы достоверизации первичной измерительной информации и вторичной опосредованной производственно-технологической информации, которая циркулирует на различных ступенях иерархии ИУС.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения или научно-исследовательскими институтами, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских проектов Ташкентского государственного технического университета: №ОТ-Ф1-080—«Разработка концепций и принципов построения интеллектуальных систем управления сложными технологическими процессами и производствами» (2007-2011); №Ф 4-56—«Разработка теоретических основ и методов структурно-параметрического

синтеза интеллектуальных систем управления сложными технологическими объектами на основе нечетко-множественных представлений» (2012-2016).

Цель исследования состоит в обеспечении достоверности первичной измерительной и вторичной производственно-технологической информации, циркулирующей на различных уровнях иерархии информационно управляющих систем.

Задачи исследования:

